



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Бемаврид
берилса, ҳатто
салом ҳам
эзмаликдек
туюлиши
мумкин

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 11-sentabr, shanba, 98 (23.534)-son

Ютуқлар кўп,

аммо муаммоларимиз ҳам кам эмас

10 сентябрь куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қирқ иккинчи сессияси ўтказилди. Сессия ишини Кенгаш котибияти мудири Ш.Йўлдошев бошқарди.

Кун тартибдаги биринчи масала - "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар билан олиб борилаётган ишлар юзасидан Булунғур тумани сектор раҳбарларининг ҳисоботи эшитилди.

- Туманда 191 минг нафар аҳоли истиқомат қилаётган бўлиб, уларнинг 49 фоизи, яъни 93,6 минг нафарини аёллар ташкил этади, - деди Булунғур тумани ҳокими, 1-сектор раҳбари Б.Бахромова. - "Аёллар дафтари"ни шакллантириш юзасидан тумандаги 55 маҳалла фуқаролар йиғинларида хатлов амалга оширилиб, ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёж, иштиёқи бор бўлган 1994 нафар ишсиз хотин-қизлар "Аёллар дафтари"га киритилди. 184 нафар боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон ёки қарамоғида ногирон фарзанди бўлган хотин-қизларга 143,6 миллион сўм бир марталик моддий ёрдамлар кўрсатилди. 249 нафар тиббий ёрдамга муҳтож аёллар тиббий кўриқдан ўтказилиб, 133 нафарига 520 миллион сўмлик дори-дармон, 5 нафарига 92 миллион сўмлик юқори технологияли жарроҳлик амалиётлари ўтказилди.

Сессияда вилоят мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи З.Жўраев мактабгача таълим тизимининг бугунги кундаги ҳолати, сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича

амалга оширилаётган ишлар, истиқболдаги вазифалар тўғрисида ҳисобот берди.

Ҳисоботда таъкидланишича, бугун вилоятда 3122 та мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлиб, уларга боғча ёшидаги болаларнинг 223,5 минг нафари, яъни 65,5 фоизи қамраб олинган. Айни кунларда Инвестиция дастури доирасида 16 та, "Обод қишлоқ" дастурига кўра 15 та давлат боғчаларида қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 8 ой давомида вилоят бўйича 400 дан зиёд оилавий боғча фаолияти йўлга қўйилиб, жумладан, қамров даражаси паст бўлган Нурабод, Ургут ва Қўшработ туманларида 160 дан ортиқ оилавий боғча ташкил этилди.

Шунингдек, сессияда вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси Ш.Темировнинг лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтиш бўйича "Йўл харитаси"да белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳамда молия бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ю.Бобоназаровнинг маҳаллий бюджет даромадларини ошириш бўйича жорий йил иккинчи ярим йиллигида амалга оширилаётган чора-тадбирлар юзасидан ҳисоботлари ҳам тинланди.

Депутатлар томонидан ҳисоботлар танқидий таҳлил қилиниб, эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар бўйича тавсиялар берилди. Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан Кенгашнинг қарорлари қабул қилинди.

7-Самарқанд округ сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ТАРКИБИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 22, 23-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд сайлов округи бўйича участка сайлов комиссиялари аъзолигига номзодларни тавсия этиш ҳақидаги қарорлари маълумот учун қабул қилинсин.

2.Ўзбекистон Республикаси Президенти

сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд сайлов округи ҳудуди бўйича участка сайлов комиссияларининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ушбу қарор матбуотда эълон қилинсин.

7-Самарқанд округ сайлов комиссияси раиси Ф.ТОШЕВ

2021 йил 10 сентябрь №8

(Участка сайлов комиссиялари таркиби туман, шаҳар газеталарида эълон қилинади)

Участка сайлов комиссияларига 14 минг киши жалб этилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси ўтказилди.

Комиссия раиси Ф.Тошев бошқарган йиғилишда округ ҳудудидаги участка сайлов комиссияларининг таркибини тасдиқлаш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Сайлов кодексига кўра, участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида қирқ кун қолганда беш - ўн тўққиз нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади.

Зарур бўлган ҳолларда, участка сайлов комиссиясининг сон таркиби ўзгартирилиши мумкин.

Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жомат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан таклиф этилиб, бу номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш

учун тавсия этилади. Мазкур тартибга мувофиқ, вилоятдаги туман ва шаҳарлар Кенгашлари ўз ҳудудларидаги сайлов участкалари бўйича комиссиялар таркибини шакллантириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссиясига тақдим этган.

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиялари таркибини қонунда белгиланган талаблар бўйича кўриб чиқиб, вилоят ҳудудидаги 1111 та сайлов участкаси бўйича комиссиялар таркибини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Вилоят бўйича участка сайлов комиссияларига 13 минг 974 киши жалб этилди. Уларнинг 5929 нафари (42 фоизи)ни хотин-қизлар ташкил этади. Жами аъзоларнинг 63 фоизи, яъни 8800 нафари аввалги сайловларда сайлов комиссияларида фаолият кўрсатган, бу борада тажрибага эга.

Фаолият соҳасига кўра, комиссия аъзоларининг 49 фоизи (6851 нафари) халқ таълими тизими ходимлари, 19 фоизи (2721 нафари)

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, 15 фоизи (2721 нафари) ҳам давлат идоралари ва муассасалари ходимлари, 229 нафари нодавлат ношижорат ташкилотлари вакиллари ташкилланади. Мутахассислиги бўйича аъзоларнинг 50 фоизи (7004 нафари) педагог, 10 фоизи (1430 нафари) шифокор, 6 фоизи (890 нафари) иқтисодчи, 2,3 фоизи (318 нафари) ҳуқуқшуносдир.

Мажлисида округ сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишдан сўнг округ ҳудудий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси раиси Ф.Тошев комиссия томонидан амалга оширилаётган ишлар, хусусан, участка сайлов комиссиялари таркиби тасдиқлангани ва уларнинг ваколатлари ҳақида маълумот берди.

Округ сайлов комиссияси матбуот маркази.

Бугун Самарқанд шаҳрининг транспорт муаммоси айтилавериб сийқаси чиққан мавзу бўлса ҳам барибир долзарблигича қолаверади. Чунки Самарқанд миллион аҳоли истиқомат қилувчи шаҳарга айлантирилмоқда. Йирик шаҳарларда эса жомат транспорт масаласи ҳар доим ҳам долзарб бўлиб келган.

Бугунги кунда шаҳримизнинг тор ва қинғир-қийшиқ кўчалари ёнидаги уй-жойлар «снос» қилиш эвазига бузилиб, йўлларимиз кенгайтирилиб ободонлаштирилмоқда. Жумладан, Рудакий кўчасида ер ости туннели, Уста Умар Жўрақулов кўчасидаги йирик йўл ўтказгич, Гагарин кўчасининг Рудакий кўчаси билан кесишган қисмидаги айланма йўл, Даҳбет, Панжакент кўчаларидаги табиий газ, оқова сув ҳамда коммуникация тизимлари янгиланди. Ўзбекистон, Амир Темур кўчасида пиёдалар ва велойўлақлар қурилмоқда.

ҚАЙТА-ҚАЙТА ТАЪМИРДАН ЧИҚМАГАН КўЧАЛАР...

Бироқ таъмирлаш ишлари олиб борилган кўчаларни айлансангиз деярли барчасида чала қўмилган ариқ, очик қолган коммуникация қудуқларига дуч келасиз. Йўл четида сочилиб ётган қурилиш чиқиндилари шу атрофда қурувчилар ишлаётганидан дарак беради. Жумладан, Рудакий, Даҳбет кўчалари ёқасида бетон парчалари, оҳак ва қизилқум уюмларини кўриш мумкин. Даҳбет кўчасидан Мотрид кўчасига табиий газ ва оқова тизимлари тортилганига кўп бўлгани йўқ. Бироқ яна қазिश ишлари олиб борилмоқда. Бу ҳолат нафақат шу ҳудудда яшовчилар, балки жомат транспортининг ҳаракатланишига ҳам халал бермоқда.

Кўчаларимиз обод бўлгани яхши, бироқ ҳар икки кунда қайта қовланавержани аҳолининг гашига тегиб, ҳайдовчиларнинг хунобини оширмоқда.

Ҳар кунни эрталаб Мотрид кўчаси орқали ишга келишда Ибн Сино кўчасига чиқиш учун қарийб 25-30 дақиқа тирбандликда туришга мажбурман, - дейди Пайариқ туманидан Соҳиб Низомов. - Чунки бу ерда б ойдан буён қазिश-таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Баъзида икки томонда ҳам таъмирлаш ишлари бошлаб буюришса, дардингиз кимга айтишини билмай қоласан киши. Минг бир азобда маҳалларнинг айланма тор кўчалари билан юришга мажбур бўласан. Ахир бир кўчада иш бошлашдан олдин машиналар ҳаракатланиши учун бошқа бир кўчани соз қилиб, тайёрлаб қўйишса бўлмайдими?



САМАРҚАНД ТРАНСПОРТИ: ТИРБАНДЛИКЛАРГА НИМА САБАБ БўЛЯПТИ?

Мотрид кўчасининг М39-автомагистралга чиқиш қисмида таъмирлаш ишлари якунланганига икки ойдан ошди. Бироқ ҳалигача йўл-созлар чала ишларни тугатгани йўқ. Натижда ўйдим-чукур асфальт йўл яна бошдан емирилиб бормоқда.

НАҚДСИЗ ТўЛОВГА ҚАЧОН ўТАМИЗ?

Август ойи анча сокин ва тартибли ўтди. Кўп йўллар берк бўлса-да, жомат транспортини жиддий муаммолар бўлгани йўқ. Бироқ ўқув йили бошлангач, яна автобусларнинг йўловчи олиш илинжида қувлашмақоч ўйинлари, таксиларнинг бир-бирини қувиб, ким ўзарга ҳайдаши кузатишмоқда. Айниқса, 66, 52, 18, 14-рақамли йўналишларда «босиб» юрган автобус ҳайдовчиларига қачон инсоф киришини ҳеч ким билмайди.

Вилоят ҳокимининг қарорига кўра, 2016 йил 1 майдан бошлаб Самарқанд шаҳрида йўловчи ташувчи жомат транспортини юриш йўли кира ҳақи нақд пулсиз, махсус жетонлар воситасида амалга ошириши керак эди. Кейинчалик бу восита "Tezcard"ларга алмаштирилди. Бироқ шундан кейин ҳам «Автобузда йўловчиларга нега қайтим берилмаяпти», «Нега, автобусларда "Tezcard" тўлов тизими ишламаяпти», деган саволлар тинмаяпти.

Шаҳардаги 52-йўналишдаги автобус йўловчилари йўл ҳақини фақат нақд пул билан тўлаб кетишмоқда. Ҳайдовчидан нега тўловни фақат нақд пулда олаётгани, нима учун электрон тўловдан фойдаланмаётганини сўрадик.

- Одамларда «Йўловчи чиптаси» йўқлиги са-

бабли валидатор усқунасини ишлатганим йўқ, - дейди ўзини танитишни истамаган ҳайдовчи. - Ҳали бирорта йўловчи ҳам электрон чипталаридан пул тўламоқчилигини айтмади. Ҳамма нақд пулда тўляпти.

Самарқанд темирйўл вокзалидан келаётган 3-йўналишли автобузда ҳам шу аҳвол. Йўловчилар янги электрон тизимдан фойдаланиб, тўловларни амалга ошира олмаяпти. Чунки «Сайқал транс» МЧЖга қарашли мазкур автобус ҳайдовчиси ҳам электрон тўлов усқунасини ишлатгани йўқ.

- Ўзги таътилга чиқишдан илгари доим йўловчи чиптасини ишлатиб келганман, - дейди пастдаргомлик СамДУ талабаси Илҳом Каримов. - Икки кундан буён автобусга минаётган бўлсам-да, ҳали бирортасида валидатор борлигини кўрмадим. 1,5 минг сўмдан тўлаб тушишга мажбур бўляпман. Майда йўқ деб, қайтим ҳам беришмаяпти.

"Tezcard" МЧЖ томонидан шаҳримизнинг Даҳбет, Таътиқиллик, Буюк Ипак йўли, Бегуний кўчаларида, шунингдек, Университет хиёбони каби 13 ҳудудда "Tezcard" йўловчи чипталари сотадиган шохбоналар ташкил этилганди. Нақд пулсиз ишлайдиган ушбу тизим доимо автобузда юрадиғанларга, жумладан, талаба ва ўқувчиларга маъқул келган эди. Аммо кейинчалик ҳайдовчи ва кондукторлар валидатор ишламаётганини баҳона қилиб, йўловчилардан нақд пул беришларни талаб қила бошлади. Айниқса, карантин даврида бу тизим бутунлай тўхтаб қолди.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

Тадбиркор ва талабалар имконияти кенгайди

Давлатимиз раҳбари 2021 йил 7 сентябрь куни "Экспортчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" фармон қабул қилди.

Унга кўра, 2021 йил 1 октябрдан бошлаб: - Экспортчи рағбатлантириш агентлиги томонидан йиллик экспорт ҳажми 20 миллион АҚШ долларидан ошган корхоналарга экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортдоли молиялаштириш кредитлари учун тижорат банклари орқали бир марталик молиявий ресурслар 5 миллион АҚШ долларигача миқдорда ҳамда бир йилгача муддатга тақдим этилади;

- охириги ўн икки ой давомида 1 миллион АҚШ долларидан ортиқ тайёр тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилган корхоналарга асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш учун бутловчи буюмлар, хомашё ва материаллар олиб киришда божхона тўловларини тўлаш бўйича фойз хисобланмаган ҳамда уларнинг тўлашини таъминлаш талаб этилмаган ҳолда 120 кунга тўловни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имконияти берилди;

- юқори сифат ва назорат тизимига эга мамлакатлардан кўчун тижорат банклари орқали бир марталик молиявий ресурслар 5 миллион АҚШ долларигача миқдорда ҳамда бир йилгача муддатга тақдим этилади;

ридан ортиқ тайёр тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилган корхоналарга асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш учун бутловчи буюмлар, хомашё ва материаллар олиб киришда божхона тўловларини тўлаш бўйича фойз хисобланмаган ҳамда уларнинг тўлашини таъминлаш талаб этилмаган ҳолда 120 кунга тўловни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имконияти берилди;

- юқори сифат ва назорат тизимига эга мамлакатлардан кўчун тижорат банклари орқали бир марталик молиявий ресурслар 5 миллион АҚШ долларигача миқдорда ҳамда бир йилгача муддатга тақдим этилади;

ридан ортиқ тайёр тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилган корхоналарга асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш учун бутловчи буюмлар, хомашё ва материаллар олиб киришда божхона тўловларини тўлаш бўйича фойз хисобланмаган ҳамда уларнинг тўлашини таъминлаш талаб этилмаган ҳолда 120 кунга тўловни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имконияти берилди;

Ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан жарималар қўлланилиши, шунингдек, ушбу фармон кучга киргунига қадар қўлланилган жарималар ундирилиши 2021 йил 31 декабрга қадар тўхтатилади.

Тариқ (ТИФ ТН кодлари 1008 21 000 0, 1008 29 000 0), қурилган дуккакли эклинлардан олинган ун ва кукун (ТИФ ТН коди 1106 10 000 0), мева ва ёнғоқлардан олинган ун ва кукун (ТИФ ТН коди 1106 30 900 0) экспорт учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси рухсати талаб қилинмайди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 9 сентябрдаги "Республика олий таълим муассасаларида тахсил олаётган, илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланаётган иқтидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони кўра, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб: - Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси квотаси: таянч докторантурада тахсил олаётган докторантлар ва магистратура босқичи талабалари учун икки баробарга оширилиб, тегишлича 10 та ва 22 та этиб;

Вилоят Матбуот уйида "Ўзагроинспекция" вилоят бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари Ж.Каримов иштирокида жорий йил пахта мавсумига тайёрларлик кўришга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Пахта мавсумида мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайди

Қайд этилишича, жорий йилда вилоятдаги 290 та фермер хўжалиги томонидан 75 минг гектардан зиёд ердан 243 минг тонна пахта йиғиштириб олиш режалаштирилган. Ҳозирда 9 та пахта-тўқимачилик кластери ва фермерлар томонидан 31 дона замонавий пахта териш машиналари, 1735 та транспорт техникалари ва 2634 дона тиркамалар тайёрлаб қўйилган. 27 та қабул қилиш мақсадлари пахтани қабул қилишга шай.

Ўтган пахта мавсумида биринчи теримда қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта учун 1000 сўмдан, иккинчи теримда эса 1200 сўмдан берилган бўлса, бу йил биринчи теримда 1200 сўмдан, иккинчи теримда эса 1500 сўмдан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади. - Ҳозирда вилоят бўйича 130 мингдан зиёд теримчиларни жаллаган 1834 та терим отрядлари ташкил этилган, - дейди бошқарма бўлим бошлиғи Баҳодир Раҳмонов.

Теримга 18 ёшга тўлмаган фуқаролар, талабалар, бюджет ёки хўжалик ҳисобидаги ташкилот ходимлари ва ҳарбийлар жалб қилинмайди. Теримда иштирок этишга мажбурлаш қатъиян ман этилади.

Д.ЎТАМУРОВОД.

Барча йўллар Самарқандга элтади

Транспорт йўллари одам организмидаги қон томирларга ўхшаш кенг тарқалган. Улар 1-тоифали – халқроқ йўллар, 2-тоифали – вилоятга бўйсунувчи ва 3-тоифали – қишлоқ йўллари.



Вилоятимиздан ўтувчи "Хитой-Олма ота-Бишкек-Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Туркманбоши" ва "Олма ота-Бишкек-Тошкент-Самарқанд-Термиз", М-39 халқроқ автомобиль йўллари ҳар суткада миллион-миллион тонна халқ ҳўжалиги юкларини ташиб ўтмоқда.

Самарқанд йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси 385 километр халқроқ аҳамиятдаги ва 10 километр давлат аҳамиятдаги йўлларга хизмат кўрсатади.

Корхона ташкил этилганига 70 йилдан ошган бўлса-да шу пайтгача унинг номи ўзгариб, бир неча вазирликлар қарамоғига ўтди. Бундан 3 йил олдин корхона банкрот ҳолатига келиб қолган эди. Янги раҳбар, 63 йиллик умрининг 30 йиллини шу соҳага бағишлаган фахрий йўлчи Мурод-хон Хожихонов раҳбар этиб тайинлангач, корхонада туб ўзгаришлар бўлди.

Корхонада йўл қурилишининг асосий материали - асфальт ишлаб чиқариш камайиб қолган эди. Завод қайта тикланиб,

ишлаб чиқариш қуввати оширилганига учун кейинги 2 йилда 4 баравар ўсиш бўлди. 2 йил бурун бу ерда 453 минг тонна инерт материаллари яратилиб, 2018 йилга нисбатан 22 баробар ошди. Асфальт ишлаб чиқариш 4,5, чақилган тош (шебень) 6,5, қорақум ишлаб чиқариш 14 баравар кўпайди. Йўл қурилиши ва атрофини ободонлаштириш учун темир-бетон материаллари ишлаб чиқариш қарийб 7 марта ошган бўлса, ўтган йилларда қўшни Жиззах, Навоий, Сирдарё вилоятларидан олиб келинадиган темир-бетон маҳсулотларига ҳожат қолмади. Шундай бўлгач, меҳнат ҳақи ҳам 4 бараваргача кўпайди. Айрим ишчилар ҳозир 4 миллион сўмдан кўпроқ маош олмақда.

ИШ ҚУРОЛИНГ СОЗ БЎЛСА МАШАҚАТИНГ ОЗ БЎЛАР

Кейинги йилларда корхона техника гаражини янгилади. Етарлича грейдер, булдозер, 30-40 тонналик юк кўтарадиган автомобиллар, асфальт ётқизувчи, уни зичловчи, сув сеписи транспорти, битта тош майдалаш заводи ва битта асфальт-бетон заводи харид қилинди.

ОБОД МАСКАН-ОБОД КўНГИЛ

Корхона ҳудудига катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, 4 минг тўндан зиёд мевали-манзарали, қарийб 3 гектар майдонда беҳисоб турли туман 1 йиллик ва кўп йиллик манзарали гуллар ўтказилди. Корхона ҳовлисига қиришгингиз билан баҳри-дилигиз очилиб, гуллар ҳидига одам энтикиб кетади. Ҳатто раҳбар минган автомашина ҳам дарвозадан кирган жойда жойлашган автобекатда қолдирилади. Ҳозирги кунда 400 нафарга яқин ходимнинг қарийб 60 фоизи ёшлар.

ЎНГ ҚўЛИНГ БЕРГАНИНИ ЧАП ҚўЛИНГ БИЛМАСИН

Жамоа фойдага ортган сари саховат ишларига ҳам эътибор қаратмоқда. Ўтган йил Самарқанд шаҳри, Оқдарё ва Жомбой туманларидаги маҳаллаларни бирлаштирувчи, узунлиги 90 метр бўлган темир кўприкни монтаж қилди. Қо-

радарё устидаги бу кўприк 3 миллиард 800 миллион сўмлик таннархга етди.

Шунингдек, Самарқанд шаҳридаги Амир Темур кўчасида шу ҳудуддан ўтган коллектор устида узунлиги 10 метр бўлган 60 миллион сўмлик кўприк қуриб берилди.

Яна бир қанча оилаларнинг уй-жойи таъмирланди, маҳаллаларга ёрдам берилди.

Шундай қилиб, кейинги 2 йил давомида корхона 4 миллиард 714 миллион сўмлик инсонпарварлик ва ҳомиёлик ишларини амалга оширди.

КОРХОНАДА ЯНГИ ЦЕХЛАР ОЧИЛДИ

Яқинда туркиялик тадбиркор Эҳсон Қарбур корхонада мини цех очиб, темир-бетон маҳсулотларини тайёрлашга киришди. Битта темир-бетон заводи ишга тушган бўлса, яна 2 та заводга етадиган ускуналар олиб келинмоқда. Ҳозирги кунда 10 хилдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилаётган бўлса, сентябрнинг охирига бориб ишчилар сони



50 нафар, бир ойлик маҳсулот эса 50 кубометрни ташкил қилади.

Асосий бинонинг ертўласи капитал таъмирланди, 10



нафар чевар ишга жалб қилинди. Чеварлар корхонанинг талаби асосида 15 хил кийим-кечак тикиб бермоқда. Соҳиба Сайдуллаева, Дилдора Омонова ёшларга касб ўргатмоқда.

Ертўланинг яна бир қисмида ишчи-ходимлар учун спорт зали ишга туширилди.

1987 йилда ташкил бўлган корхона эндиликда тўғри йўлга кишиб олиб, Самарқандга элтадиган барча йўллардан фойдаланишда республикамизда пешқадам.

ТАХТИҚОРАЧА ТУРИСТИК ЙўЛГА АЙЛАНДИ

Термизга элтадиган М-39 автйўлининг 1105-1135-километрларига шу корхонанинг Зайниддин Очилов раҳбарлик қилаётган Ургут участкаси қарайди. Тахтиқорача доводан ошиб, Қашқадарёнинг Китоб тумани орқали Шахрисабз ва Термизга кетиш мумкин. Йўлнинг довод ошиш жойида ўнлаб айланма жойлар бор. Бу жойларни баҳорда сел ювса, қишда қор босади. Ана ўшанда 17 нафар ишчи, жумладан, уста Искандар Турсунов, ишчи Уктам Маҳмудов, грейдерчи Зайниддин Олтибоев ва Ҳабиб Санақуловлар ўз бурчларини сидқидилдан бажармоқда.

Тоҳир НОРҚУЛОВ.

Реклама ҳуқуқи асосида.

«Қатағон» қурбонларини хотирлаб

Ёшим 84 да. Мен туғилган 1937 йилнинг декабрида бобом - маърифатпарвар олим, журналист, таржимон Саидризо Ализода сиёсий чакув натижасида ҳибса олинди. 8 йил Самарқанд-Тошкент-Тоболск-Владимир турмаларида ўтириб, 1945 йил 24 декабрда касаллик туфайли вафот этди.



БОБОМНИНГ АЙБИ - ФИДОЙИЛИГИ ЭДИ

Бобом вафот этган йилда эсимни таниган эдим. Шундан буён қатағон қилинганлар ҳақида ўйласам, эгим жунжиқиб кетади. 2001 йил - Ўзбекистонда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни, деб белгилангандан буён ҳар йили бобом хотираси учун нимадир топанам, изланаман. ... 1957 йилда ҳарбий хизматдан келгач, икки йил олий ўқув юртига ўқишга кириш учун ҳаракат қилдим. Аммо омадим келмади. 1959 йилда Озарбайжонга, Бокуда яшайдиган тоғамникига йўл олдим.

Иброҳим тоғамникида 20-25 кун туриб, Каспий денгизини нефть-газ қазийдиган денгизга нефть ва газ излаш билан шуғулланадиган "ГРК в море" корхонасига оддий ишчи бўлиб ишга кирдим. Шу билан бирга, Боку давлат университетининг геология факультетига ҳужжат топширдим. Мени 1-курсга қабул қилишди.

Каспий денгизига 10 йилга яқин вақт меҳнат қилдим. Маошим яхши, чунки денгизда нефть-газ қазиб чиқарадиган ишчиларга яхши ойлик тўлар эди. Шу муҳитда ишлаб юрган эдим, бир кун Самарқанддан хат олдим. Хатни раҳматли отам ёзган эканлар.

"Ўғлим, мени қатағон ва уруш йилларида тортган азоб-ўқубатларим яна кўзгаган, мазам йўқ, бобонг ҳам шу совуқдан туберкулез бўлиб, Владимир турмасида 58 ёшда вафот этган эди... Агар имконинг бўлса, Ватанга қайт".

Хатни ўқиб, эртагаёқ Самарқандга отланганим кераклигини англадим. Ҳужжат ва кийим-кечакларимни йиғиштирар эканман, негадир бобом Саидризо Ализодининг суратларида кўрганам - сиймоси кўз ўнгимда намоён бўлди ва отам кўп тақдорлайдиган гап ёдимга тушди: «1938 йилнинг бошида отамни Самарқанддан Сибирга жўнатишган. Бу ҳақда бизга бир қоғозчада ёзиб, турмадан озод бўлганлар орқали бериб юборган. Қоғозда "Мени НКВД ходимлари Россиянинг қамқоҳоналарига юборяпти, менга телпак ва пахталик шим ҳамда йўлга бироз ейишга егулик олиб келинглар", деб ёзган эканлар. Эртаси кун раҳматли

онам билан аммам Шарофатбегим айтилган нарсаларни турмага олиб борганлар. Онам 40 кунлик чақалоқ - мени ҳам кўтариб борган.

Бобомни турма дарвозаси ёнига икки нафар милиция ходими етаклаб олиб келади. Шунда дарвоза тирқишидан бобом "Фарҳоджоннинг кичик бармоқчасини менга узатинг, келин", дейдилар. Онам бармоғимни узатганда бобом ўпиб кўзларига суртиб йиғлаганлар ва онамга "Келин, шу неварамни авайлаб катта қилинглар, замоналар ўтиб рўшнолик келади. Ушанда шу неварам ҳақиқатни дунёга чиқаради", деб кўзёш қилган эканлар.

Бу гапни онам менга кўп айтар эдилар. Бокуга бораётганимда отам ҳам шакфадан бир оқ қоғоз чиқариб берган эдилар. Қоғозни ўқисам, "Отам ва икки амаким бегуноҳ қамалган, буларни тўхматчилар қаматган", деб ёзилган эди.

Уша кундан юрагимда бу номдарларга нафрат тоши осилган эди. Бокудан Самарқандга қайтгандан кейин Тошкентга бориб, «Су-11 Промбурвод» номи трестга ишга кирдим ва бобомни оқлаш, пок номини юзага чиқариш, халқ учун қилган амалий ва ижодий ишларини кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш учун ҳаракатга тушдим. Аллоҳга беҳисоб шукр, йиллар давомида бу эзгу мақсадимга эришдим. Бугунги кунда бобом - Саидризо Ализода номи халқ учун қадри. Таълим, тарбия, журналистика йўналишлари бўйича қолдирган мероси оммага наф беряпти.

Дарвоқе, мени ушбу хотираларни қоғозга тушираётган бугун тонгда Президентимиз Шаҳидлар хотираси хиёбонига ташриф буюрди. Шавкат Мирзиёев бу ерда "Катта салоятга эга етакчилар, олимлар, адиллар, шифокорлар, ўқитувчилар қатағон қилинган. Улар халқимизнинг энг сара вакиллари эди. Мустабид тузумга миллат кўзини очадиган, унга ўзлигини танитадиган зиёли инсонлар керак эмас эди. Уларнинг айби - буюк бўлгани", деди.

Фарҳод АЛИЗОДА.

Қачондир шу саволни ўзингизга бериб кўрган-мисиз? Аслида жавоби оддий ва тайиндек туюлган бу савол замирида катта ижтимоий муаммо турибди.

Келинг, хулосаларим асосли бўлиши учун аввал ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани айтиб берай. Яқинда бир ошман билан суҳбатлашиб ўтиргандик, 7 ёшли фарзанди келиб паст овозда хархаша қила бошлади. Дастлаб эътибор бермаган бўлсам, болакайга шапалоқ тушиши билан ақунланган суҳбатга қизиқдим.

- Кўрмайсани, бир ҳафтадан бери копток олиб беринг, деб холи-жонимга кўймайди, - деб ўғлидан нолишга тушди у. - Шошилма, олиб бераман, деганимга

Копток неча сўм туради, бир шиша ароқ-чи?

кўнмайди. Нима эмиш, бунақада таътил тугагунчама копток келтирмас эканман. Ҳе, ўргилдим, сендака футболчидан. Кошки, шу зорнамдан арзонроқ бўлса, олиб берсам.

Воқеанинг қизиғи шу куни кечкурун юз берди. Негаки, тўрт-беш танишларим билан йиғилиб қолдик. Болалик қадрдонлар йиғилганини кўриб, ўғли кунда-кунора сўраётган коптокни қиммат, деб турган дўстимиз "оби зам-зам бизнинг ҳисобдан", деб хали ўтирмасимиздан официантга 200 минг сўм узатди.

Рости, бундан жуда ажаб-

ландим. Наҳотки, фарзанди орзусидан ароқ устун бўлса! Ахир ошман бу пулга ўғлига профессионаллар фойдаланиши мумкин бўлган копток олиб берса бўларди-ку! Майли, футбол ўйнаб чемпион бўлмасин, аммо спорт билан шуғулланиш, аввало, соғлом бўлиш, фаол турмуш тарзини бошлаш учун хизмат қилишини унга ким тушунтиради? Қолаверса, ўз нафисига эмас, балки фарзандининг келажигига харажат қилиш дурустлигини-чи?

Афсусланганим, бугунги пандемия шароитида соғлом турмуш

тарзига риоя қилиш, жисмоний фаол бўлиш нақадар муҳимлиги ойдинлашди. Аммо у сингари айрим одамлар ҳамон "нажот"ни нафис-аммоладан изламоқда.

Шу ўй билан ўтирганимда хонамга ҳамкасбларимдан бири кириб келди.

- Иш тугади, кетмайсизми?
- Ҳа, энди қайтсак ҳам бўлар.
- Бугун йўлда икки сих шашлик билан, а?
- Ҳамкасбимиз жавоб қайтармадим. Аммо Сиздан сўрамоқчиман, копток неча пул туради, бир шиша ароқ-чи?

Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ.

«Муштарий эътирофи»

"Зарafшoн" газeтaси турмушимиздаги мaвaфaқиятини ҳам, қусурларни ҳам руй-рoст кўрсaтувчи нaшр. Кўплaб тaниқли ижoдкoрлaр қaтoри oддий мyлoҳaзa, фикр ёки тaклиф билдирувчи, ҳaтто ижoдгa ҳaвaскoр мухлис ижoдини ҳам бeфaрқ қoлдирмaйдиган тaхририят хoдимлaрининг мeҳнaтини қaдрлaймaн.

Тафаккуримизни ўстираётган чашма

Кўпчилик ижодкорлар тан олса керак, "Зарafшoн" билан қаламимиз чарчланди, тафаккуримиз ўсди. Қайсики соҳа кишиси бўлмасин, газетани ўқир экан, ундан ўзи учун бирор янгилик ва муҳим маълумотга эга бўлиши, шубҳасиз.

Газета тарихан номдор ижодкорларнинг қайноқ меҳри ва меҳнати билан ҳам қадри. Унинг ҳар бир сонини ўқиган муштарий руҳан тетиклик хис қилади. Бугун газетанинг маъно-мазмунини янада бойтаётган тахририят ходимларининг келгуси ижодларига барака тилайман.

Хидирали БОТИРОВ, меҳнат фахрийси.

30 йилдан сўнг оркестр қайта тикланди

Каттақўрғон туманида 1987 йил 15-болалар мусиқа ва санъат мактабида ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри ташкил этилган эди. 40 кишилик жамоада ўз касбининг фидойилари, истеъдодли ижодкорлар Сора Завқиева, Абдуғаффор Худойбердиев, Мансур Худойбердиев ва бошқа санъаткорлар ижод қилишди.

Уларнинг ҳар бир айтган кўшиғи дилларга ақинлиги, халқнинг сеvimли мусиқасига айлангани ҳамон ёдимизда. Айниқса, Алишер Навоий сўзи, Т.Содиқов мусиқаси билан "Сарвиғун" ижроси оркестрни республикага танитди. Ва шу йили республика кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади. Аммо айрим сабабларга кўра, 1992 йилда оркестр жамоаси тарқалиб кетди. Кўнглимда бир истак, бир хоҳиш йиллар ўтса-да тинч кўймамди. Оркестрни қайта тиклаш, истеъдодли жамоани яна шакллантириш...

2018 йилда оркестрни тиклашга бел боғладим. Ёшим 80 дан ошган бўлса-да, санъатга бўлган муҳаббат менга куч берди. Шунингдек, дирижёрлик маҳоратида ўрганганларимни, билганларимни ёшларга ўргатмоқчи бўлдим. Чунки юртимизда саноклигина дирижёрлар фаолият юритади. Мусиқа санъатининг бу тури ўзининг мураккаблиги, машаққати билан ажралиб туради. Ахир ҳар бир созга, куйга, мусиқа асбобига

нота ёзиш қийин иш. Дирижёр жамоани бирлаштириб туради. Мақсадим уни ёшларга ўргатсам, мендан кейин мана шу оркестр жамоаси барҳаёт яшаса дейман.

2019 йилда тадбирларнинг бирида раҳматли Каттақўрғон тумани ҳокими Аъзамхон Баҳромов ижромизни кузатиб, қандай муаммолар борлигини сўради. Тўғриси, миллий мусиқа асбобларига эҳтиёжимиз катта эди. Шунда туман ҳокими 40 миллион сўм маблағ ажратди. Пойтахтдан профессионал чолғу асбобларини келтирдик. Бугун жамоамиз билан куй-кўшиқлар басталаб, халқимизнинг байрамларида ижро этилди. "Кўчалар", "Мен ўзбек қизиман", "Жон, Самарқанд", "Маҳаллада дув-дув гап", "Ҳаёт кўшиғи" каби куйлар билан репертуаримиз бойиди.

Абдурахмон ЗАВҚИЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, оркестр бадбий раҳбари ва дирижёр.